

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 30-iyun • Seshanba • 77 (30.038) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

«Тошкент — Шарқ дарвозаси, деб ном олган, улкан сиёсий, иқтисодий, маънавий мавқега эга бўлган, фан, маданият, ижод, илм-зиё салоҳияти юксак равақ топган, бутун жаҳон миқёсида тан олинган мамлакатимизнинг бош шаҳридир».



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 июнь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбарининг ўринбосари Ли Кэцяни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон — Хитой муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

— Ташрифингиз мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга интилишлари муштарак эканидан яна бир ёрқин далолатдир, — деди Ислам Каримов. — Биз ривожланиб бораётган Ўзбекистон — Хитой муносабатларини юксак қадрлаймиз.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар ҳақида сўз юритганда, аввало, икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишончли, дўстона муносабат қарор топганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон ва ХХР раҳбарларининг учрашувлари мунтазамлик тусини олган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва ХХР Раиси Ху Цзиньтао Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган Екатеринбург саммити доирасида ҳам учрашиб, ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлини муҳокама қилдилар.

Икки давлат раҳбарларининг дўстлиги Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини кенгайтириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ўзаро манфаатдорлик, хурмат ва ишонч тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Хитой доимо Ўзбекистоннинг ўзи танлаган тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлаб келган. Ўзбекистон Хитой учун муҳим ва долзарб масалаларда ушбу мамлакат нуктаи назарини ёқлаб келади.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар йўналишларда ҳам алоқалар фаол ривожланмоқда. 2008 йилда ўзаро савдо ҳажми қарийб 50 фоиз ўсиб, 1 миллиард 296 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ислам Каримов ва Ху Цзиньтаонинг 2008 йилдаги Пекин учрашувида 2010 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 1,5 миллиард АҚШ долларига етказиш ҳақида сўз борган эди.

Ўзбекистонга жалб этилаётган Хитой сармояси ҳажмини ошириш мақсадида икки мамлакатнинг етакчи фирма ва компаниялари ўртасида мулоқотлар давом этмоқда. Муҳокамадаги лойиҳалар-

нинг умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Мамлакатимизда енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритувчи 247 Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сони йилдан-йил кўпаймоқда. Утган йили Қашқадарёда «Temur-Chin», Фарғонада «FarBaytexnoteks» қўшма корхоналари ишга тушгани бунга яхши мисолдир. «Temur-Chin» бир кеча-кундузда 3800 дона шифер ишлаб чиқарса, «FarBaytexnoteks» йилига 90 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида нефть-газ соҳасидаги ҳамкорлик, айниқса, фаол ривожланмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси Орол денгизи акваториясида, Устюрт, Бухоро, Хива ва Фарғона сармоявий блокларида геология-разведка ишларини олиб бормоқда. Мингбулоқ қонида нефть қазиб олиш бўйича қўшма корхона тузилган.

2007 йилда «Ўзбекистон — Хитой» газ қувурини барпо этиш ва ишлатиш тамойиллари тўғрисидаги ҳукуматларо шартнома имзоланган. Қурилиш ишларини жорий йил охиригача якунлаш режалаштирилган.

Маданият ва санъат, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқалар ҳам жадал ривожланмоқда. Фестиваль, кўرғазма, маданият ҳафталиклари, турли кечалар ва бошқа маданий тадбирлар изчил давом этмоқда. Олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ёрқин ютуқлари сифатида Тошкентда Конфуций номидаги институт, Пекиндаги Миллатлар марказий университетидеги Ўзбек тили бўлими очилганини таъкидлаш жоиз.


Оқсаройдаги учрашувда Ли Кэцяни самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Хитой Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Сўхбат чоғида икки томонлама муносабатларга доир ҳамда халқаро ва минтақавий ривожланиш йўналишлари билан боғлиқ масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

БУНЁДКОРЛИК ШАВҚИ ВА МАСЪУЛИЯТИ



Собир Раҳимов туманида олиб борилаётган ободончилик ва маъмурчилик ишлари хусусида



Собир Раҳимов тумани аҳоли сони жиҳатидан пойтахтда иккинчи ўринда туради — 305,2 миң нафар. Аҳолининг қарийб 70 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Худуди 3,45 миң квадрат километр. Тошкент шаҳрининг Шимолий-шарқиде жойлашган. Юнусовод, Шайхонтохур ҳамда Тошкент вилоятининг Занғота ва Тошкент туманлари билан чегарадош.

Маъмурий-худудий жиҳатдан «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси, «Қорақамиш», «Тансиқбоев», «Себзор» даҳалари ва мазеалари, Беруний массиви, 58 та маҳалла ҳамда 146 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига бўлишади.

(Давоми 2 ва 3-бетларда)

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши раҳбарининг ўринбосари Ли Кэцяни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий, сармоявий ва илмий-техникавий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш

тартиби жорий қилинган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми жорий йилнинг январь-апрель ойларида 846,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

— Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди, — деди Ли Кэцяни. — Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми муттасил ошиб бораётгани иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик изчил тараққиёт этаётгани-

дан далолатдир.

Музокарада иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари, икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга доир масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Учрашув якунида мамлакатларимиз ўртасида нефть-газ, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, геология, сайёҳлик, қурилиш, темир йўл транспорти каби соҳалардаги ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири

Асака тумани савдо ишлаб чиқариш очик акциядорлик жамияти ширин-шакар мевалар, сархил сабзавотларнинг дастлабки туркумини Челябинск шаҳрига жўнатди.

МЕВА-САВЗАВОТ ЭКСПОРТГА

— Утган йили Россиянинг Москва, Челябинск шаҳарларига 200 миллион сўмлик мева-сабзавот юборганидир, — дейди жамият раиси А.Дадахонов. — Бу йил экспорт ҳажмини икки баробарга кўпайтирмакчимиз. Бунинг эвазига Россиядан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий технология олиб келиш ниятида-миз. Бу йил ҳамкор шаҳарларимиз каторига Пермь ҳам қўшилди. Жамоамизда яна 30 киши мавсумий иш билан таъминланди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ЎЗХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

ҲАР БИРИ ГОЛИБЛИККА МУНОСИБ

Ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий онгини юксалтириш, фуқаролик жамияти қурилишида иштирокини кучайтириш мақсадида «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан анъанавий «ЎЗХДПда ёш сиёсати» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Қуни кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар босқичи голиблари ўзаро беллашдилар.

Танлов ёшлар орасида етакчилик қобилиятларини аниқлаш, уларни келгусида партия ташкилотларида ишлаш, сайланма органларига кўрсатиш ва бу жараёнларга ҳар жиҳатдан тайёрлаш, партия дастурий мақсадлари, гоғалари, вазифалари, устувор мафқуравий йўналишларини амалга оширишга кенг жалб этиш учун имкон яратди. Тизимли асосда ташкил этилган «Истиқбол» фаолиятида энг аҳамиятли йўналиш ҳисобланган маъмур танлов юқоридаги мақсадларни самарали амалга ошириш, ёшлар қаноти ишини такомиллаштириш, янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилаётти.

Яқуний босқичда 14 нафар иштирокчи тўрт шарт бўйича беллашиб, сиёсий соҳадаги билимлари, қобилияти ортиб бораётгани-



ни намоён этдилар.

— Утган йили «ЎЗХДПда ёш сиёсати» — 2008» кўрик-танловиде 4000 га яқин ёшлар иштирок этганди, — дейди «Истиқбол» ёшлар қаноти марказий бошқаруви раиси Акмал Умаралиев. — Бу йил 200 тумандан 5000 дан ортиқ ёш қатнашди. Натижада партияимизга мингга яқин янги аъзо қабул қилинди. Уларнинг зарур малакали билим ва бошқарув қўникмалари олишларига ёрдам берилди.

Қизгин беллашувлар натижасида ЎЗХДП Жиззах вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзоси Олмос Зафаров биринчи, Навоий вилояти вакили Руслам Ҳайтов иккинчи, Самарқанд вилоятидан Нурхон Жўраева учинчи ўринга сазовор бўлди. Танлов голиблари ва иштирокчилари сертификат, диплом ва эс-даллик совғалари билан тақдирландилар. Мукофотларни ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Анвар Шуқуров, Мухаббат Абдуллаева топширди.

Энг муҳими, онгли даражада сиёсий жараёнларга киришишлари учун қўлай имкониятлар яратилди...

(Давоми 2-бетда)

Ватан ҳимояси — олий шараф

ОФИЦЕРЛАР — ФАХР-ИФТИХОРИМИЗ

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаюқ тинч-осойишта ҳаётимиз гарови бўлмиш Куролли Кучларимиз малакали кадрлар билан мустаҳкамлашга устувор вазифа сифатида қаралди.

Президентимиз ташаббуси билан Куролли Кучлар учун олий ҳарбий маълумотга эга ихтисосли офицер кадрлар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академияси ташкил этилган эди.

Маъмур Академияга маълум муддат хизмат қилиб таж-

риба орттирган, юксак натижага эришган офицерлар қабул қилинади.

Академияни тугатган офицерлар эса асосан раҳбарлик лавозимига тайинландилар.


Яқинда Марказий офицерлар саройида Куролли Кучлар Академияси тингловчиларининг навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди. Байрам тадбири аjoyиб шодибанага айланди.

Раваҳан ШОДИЕВ




ЁШЛАР ҒОЯСИ — 2009

2 голиблари аниқланди



ДАВЛАТ ТҮНТАРИШИ ХАВФИ

3 олди олинди



СКОЛАРИ ТОШКЕНТДА

4



ЎзХДП туман партия ташкилотлари конференцияларида ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ

Ўзбекистон ХДП Кегейли туман ташкилоти конференцияси бўлиб ўтди. Унда туман партия кенгаши раиси Еркин Хожанов маъруза қилди. У, жумладан, Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини бажаришда партия ташкилотининг фаол иштирокини таъминлаш масалалари ҳақида сўз юритди.



Шунингдек, конференцияда Халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлар фаолиятига танқидий муносабат билдирилди. — Халқ депутатлари туман кенгашидаги депутатларимиз ҳисобот даврида электротар манфаатини химоя қиладиган бирорта масалани мустақил равишда ўрганиб сессияга олиб чиқмади, — деди «Махалла» жамғармаси туман бўлими бошлиғи, ХДП депутатлар гуруҳи раиси Мурат Асаматдинов. Бу масала бўйича қизгин баҳс-му-

нозара бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Гулистон Аннақличева сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар, жорий йилда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи

Кенгеси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашига бўлиб ўтадиган сайловларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Конференцияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу кунги партия кенгаши ташкилий пленуми бўлиб ўтди, Еркин Хожанов туман партия кенгаши раиси лавозимига қайта сайланди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАР БИРИ ГОЛИБЛИККА МУНОСИБ

— Танлов турли соҳада фаолият кўрсатаётган, партияимизга хайрихоҳ, ҳуқуқий, сиёсий онги шаклланиб келаётган ёшларнинг партияимиз устувор вазибаларини амалга ошириш йўлида бирлашиши учун имконият яратди, — дейди танлов голиби ва энг ёш иштирокчиси Олмос Зафаров. — Қолаверса, ордан минглаб ёшларни эргаштира оладиган, сиёсий жиҳатдан камол топиб бораётган, ташаббускор ёшларни сараб, жипслаштирди. — Ёшларимиз ҳар соҳада фаол, — дейди танлов иштирокчиси, Хўжайли туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Ҳакимбек Ембергенов. — Буни тенгдошларимизнинг танлов давомидаги шартларни бажаришлари асосида билиб олдик. Бу йил халқ депутатлари туман Кенгашига ўз номзодимни қўймоқчиман. Сайловолди дастуриمنى мана шу танлов шартларидан бирида ҳақамларга тақдим этдим. Қолаверса, бошқа иштирокчилардан ҳам

қай бир тарафдан ўзимга андоза олдим. Айниқса, Бухоро, Жиззах, Самарқанд вилояти вакилларининг депутатликка номзоднинг сайловолди дастурлари менга маъқул бўлди.

Танлов чиндан ҳам ҳақиқий билимдонларни, ташаббускор ёшларни сараб берди. Аслида уларнинг ҳар бири голибликка муносиб эди. Партияимизнинг шундай фаол, ёш аъзолари борлиги кишини қувонтиради.

Гулруҳ ОДАШБЕКОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗХДП ҳаёти

Ёшларни бир сафга бирлаштириш, иқтидор эгаларини кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзбекистон ХДП: ёшлар ғояси — 2009» кўрик-тапловни ташкил қилинганди.

«ЁШЛАР ҒОЯСИ — 2009» ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ



Хоразм вилоят партия кенгаши, вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши, «Микрокредитбанк» Хоразм вилоят филиали, Архитектура ва курилиш бош бошқармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти минтақавий ахборот таҳлил маркази ҳамкорликда вилоятдаги саксондан ошмиқ касб-хунар коллежлари талабаларининг ўз мустақил фаолиятини йўлга қўйишлари кўмаклашмоқда.

Вилоятда тўрт ой давомида танловнинг икки bosқичи дастлаб худудларда, кейин туман ва шаҳарларда ўтказилди.

Ана шу илк bosқичда минг нафардан зиёд ёшлар ўз билим ва салоҳиятини синаб кўрдилар. Бахслар кескин, мунозарали ўтди. Танлов голиблари бўлган жисмоний шахсларга «Микрокредитбанк» вилоят филиали 18 ой муддатга энг кам иш ҳақининг эллик баробари миқдорда йиллик уч фоиз, юридик шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик баробари миқдорда йиллик етти фоиз билан кредит ажратиш режалаштирилган. Шу боис қатнашчилар нафақат эскиз ва лойиҳалар, балки ўз бизнес режалари би-

лан ҳам иштирок этдилар. «Архитектура ва дизайн» йўналиши Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланди. Бунда иштирокчилар қишлоқ жойларда маҳалла гузарни, маиший хизмат шохобчалари, замонавий русумдаги турар жойлар лойиҳасини тақдим қилиш шарти берилган эди. Бу шунчаки тарх эмас, аниқ манзилдаги курилиш лойиҳаси бўлиб, кейинчалик бино ёки мажмуа сифатида бунёд этилиши кўзда тутилган. Ёки «Кундалик либослар дизайни» йўналишини олайлик, у ҳам талаба қизлар учун катта имкон яратди. Миллий либослар ўқувчилар, талабаларнинг кундалик кийимлари замонавий, қулай, арзон бўлиши эътиборга олинди.

Кунги кеча танловнинг вилоят bosқичи ҳам якунланди. Унда эллик нафардан зиёд ёшлар қатнашди. Қизгин ўтган бахслар, бизнес режалар, тарх лойиҳалар ҳақамлар ҳайъати томонидан адолатли баҳоланди.

Урганчилик Уразмет Матжонов «Архитектура ва дизайн» йўналишида, Ҳамиджон Бобоев «Бизнес режа» йўналишида, хонқалик Нодира Олимова «Ижтимоий ғоя», гурланлик Ширин Саляева, Гулҳаё Жумабоевалар «Кундалик формаси» йўналиши бўйича голибликни қўлга киритди. Улар ёрлик, кимматбаҳо совғалар ва имтиёзли кредит эвазига ўз бизнесини йўлга қўйиш имконига эга бўлдилар.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири. **Дилшод САЛАЕВ,** «Ўзбекистон овози» ёшлар қаноти **Хоразм вилоят бўлими раиси.**

Тарихий ёдгорликлар
Ҳазрати Имом (Ҳасимом), Абу Бакр Қафқол Шоший, Мўйи Муборак, Ҳазрати Чилла ота мазорий мажмуалари, Бароқхон мадрасаси, Ҳофиз Қўхқий, Тухта Бойвачча, Тилла Шайх жомеъ масжидлари, Иброҳим ота, Муғин Халфа ва Мозорхон ёдгорлик мажмуалари халқимизнинг муқаддас қадимжоларидан ҳисобланади. Қадим Тошкентнинг 12 дарвозасидан 4 таси туман худудида жойлашган.



Ҳазрати Имом мажмуи



Ўзбек Миллий либослар галереяси биноси



Мебеллар уйи



Ўзбекистон Миллий университети



Кенг ва равои кўчалар



«Келажак овози» ёшлар уйи биноси



Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей



Тошкент давлат техника университети бош биноси

БУНЁДКОРЛИК ШАВҚИ

Собир Раҳимов туманида олиб борилаётган

Таълим даргоҳлари

Туманда 4 та олий ўқув юрти жойлашган: Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент давлат техника университети ва Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам институти. Бундан ташқари 11 та илмий тадқиқот институти бор. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон муассамалар идораси бинолари ҳам туман худудидан ўрин олган. Туман худудида 6 та лицей, 8 та коллеж жойлашган: Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицей, Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей, Р.Гилер номидаги республика махсус musiқа академик лицейи ҳамда Тошкент банк коллежи, Курилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-хунар коллежи республикамизда кўзга кўринган ўқув муассасалари ҳисобланади. 32 та мактабда 39,9 миң ўқувчи таълим олмақда. Лаъль Баҳодир Шайри номли 24-мактаб Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлигининг рамзи ҳисобланади.

Спорт ва маданият иншоотлари

«Истиқдол», «Намуна» спорт мажмуи ва республика Олий футбол маҳорати мактаби (Чингтай футбол мактаби) ўйингоҳлари ёшлар билан доимо тавжум. Шунингдек, 5 та стадион, 68 та спорт зали, 7 та сузиш ҳавзаси ва 200 дан ортиқ спорт майдончалари маҳоратли спортчиларни тарбиялашга, ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Албулла Қодрий номли ва «Оймомо» маданият ва истироҳат боғлари, Нукус кинотеатри, Ойбек, Шодлик, Завқий ҳамда 4-сонли маданият уйлари аҳолининг севишли масканларидан ҳисобланади.

Бугун пойтахт катта байрам таратдида яшамокда. Ҳар гўшада ободончилик, маъмурилик, Азим Тошкент сентябрда қўшалок байрамни — ўзининг 2200 йиллик тўйи ва пойтахт мақомида мустақил Ўзбекистоннинг 18 йиллик тантанасини нишонлайди.

ОБОД УЙГА ТЎЙ ЯРАШАДИ

— Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи қалбимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотиши билан бирга биз мезбонлар зиммасига катта масъулият ҳам юклайди, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис сенати аъзоси Бахтиёр Ҳакимов. — Элимизда тўй арафасида янги уй-ҳой куриш, эскиларини таъмирлаш, кўча ва гузарларни тозалаш, обод қилиш аънава ҳисобланади. Айниқса, бу мустақиллик йилларида мазмунан янада бойиди, мустаҳкамланди, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини намойиш қилиш тимсолига айланди. Тўй баҳонасида туман худудини янада озода ва обод қилишга бел боғладик. Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида сентябрь ойигача туманимизда 124 та севдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга тушириш, 290 таси таъмирлаш, атрофи ободонлаштирилиши керак. Шулардан бугунга келиб 48 та янги курилиш битказилди, 138 таси эса ободонлаштириш ишлари ниҳосига етказилди. Қолганлари ҳам шаҳримиз ҳамда мустақиллигимиз тантаналарига ишга тушади.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турсунхўжа Эргашев. — Шу боис маҳалламизни шаҳримизнинг тенгдоши, унинг тўйи эса маҳалламиздаги ҳар бир хонадоннинг тўйи дейиш мумкин. Маҳалламиз аҳолиси 6140 нафар. 586 хонадон, 2227 оила мажмуи. У шаҳарнинг қадим Бинкат қисмида жойлашган. Маҳалла аҳли иннок, иттифоқ, Худого шукрки, Президентимизнинг «Тошкент маҳаллаларидаги инсонийлик муҳити, ўзаро меҳр-оқибат ҳар бир юртдошимизда катта ҳавас ва гуруҳ уйғотилади» деган эътирофларига муносиб бўлишга ҳаракат қилмоқдамиз. Аввало, ҳамма ўз уйи, кўчаси ва маҳалласини озода ва чиройли қилиб қўйишга келишдиқ. Ҳамма ховли деворларини бўяшга киришиб кетди. Соғном кўчаси бўйлаб баҳорда 100 тул арча, 5000 мавсумий гул ва 1000 дона атиргул эдик. Соғном 24-берк кўчадаги 81 хонадон ҳамда Мақола кўчасидаги 11 хонадонга канализация ўтказилди. Маҳалла тўзарини таъмирдан чиқардик ва маънавият ва маърифат хонасида Тошкент ва маҳалламиз тарихига оид бурчак ташкил қилдик.

Бир сўз билан айтганда, Ватанинг бир бўлаги ва азим Тошкентнинг ажралмас қисми ҳисобланган маҳалларда кўтаринки кайфият билан байрамга қизгин тайёргарлик кўрилоқда. Бу Ватанга дахлдорлик ҳисси билан боғлиқ, қадим илдизлар билан чамбарчас. — Туман партия кенгаши худудда олиб борилаётган тайёргарлик ишларида фаол қатнашишга ҳаракат қилмоқда. — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Камолитдин Ақромов. — Тумандаги 10 га яқин ўқув даргоҳларида Тошкент тарихига оид тадбирлар ўтказилди. М.Турсунхўжаева номидаги тиббиёт коллежиди, «Шодлик», «Табассум» маҳаллаларида ўтказилган тадбирларда кечаги ва бугунги Тошкент ҳақида суҳбатлар уюштирилди. Мустақиллик йилларида пойтахтимизда олиб борилган бунёдкорлик ишлари тўғрисида фикрлашдик. Кенгашнинг «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари билан Ҳазрати Имом мажмуасига экскурсия уюштирилди. Негаки, тарихни билган келажакка умид билан қарайди, эзуликка, яратувчанликка интилади, турли воқеа-ҳодисаларга ҳушёр ва уйғоқ муносабатда бўлади. Ўз тарихини билган киши ҳар жиҳатдан фаол фуқарога айланади. Сиёсий ҳаракатларнинг ҳам мақсади шу: маънавият фаровонлиги ва тараққиёти йўлида фуқароларни фаоллаштириш, бирлаштириш.

КЎҲНА МАСКАННИНГ ЯНГИ ШАҲАРЧАСИ

Бу масканга келиб, атрофини диққат билан кузатсангиз, «Ешлик» шаҳарчаси шаҳар мақомига муносиб эканига ишонч ҳосил қиласиз. Икчамгина, обод, кўркам бозорча шаҳарча аҳолисига хизмат қилмоқда. Маиший ва хизмат кўрсатувчи муассасалар етарли. Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тиббиёт Академиясининг баланд, бир-бирдан кўркам бинолари, талабалар ётоқхоналари, кўп қаватли турар жойлар, маданият уйи, кинотеатр қад ростлаб турилди. «Келажак овози» ёшлар уйи ёшлар билан гавжум. Спорт иншоотлари, сув ҳавзалари... Айниқса, ўзига хос кўркамлик, ободончилик эътиборни тортади. Ётоқхоналар орасидаги бир пайтлар қаровсиз ётган ерлар энди яшил майдончаларга айланган. Шаҳарча гулга бурканибди. Илгарилари талабалар ётоқхонаси дейилса, кўз ўнгимизга қандай бино ва шароитлар келарди? Энди-чи? Кўрмасангиз ишонингиз қийин. Хоналарда юмшоқ диванлар, деразда жалюзю, ошхонада сўнги русумдаги музлатгич. Ҳар қаватдаги дам олиш хоналарида замонавий жиҳозлар, 1-қаватда маънавият ва маърифат хонаси, китоблар, газета ва журналлар тахталари. Алоҳида спорт-соғломлаштириш хоналари... Бир сўз билан айтганда, давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати моҳиятини англамоқ учун бир бора бўлса-да, «Ешлик» шаҳарчасига бориш фойдадан холи бўлмайди. —Бугунги замонда интеллектуал салоҳият, интеллектуал бойлик ҳал қилувчи кўчга айланди, —

деган эди Президентимиз 2006 йил августда шаҳарчага қилган таширфларида. — Комил инсон ҳақида орзу қилар эканмиз, камолот ёшига етётган ёшларимизнинг мана шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим. Бугун «Ешлик» шаҳарчасида талабалар ҳеч кимдан кам бўлмаган, керак бўлса, кўплар ҳавас қиладиган шароитларда истиқомат қилишмоқда, ўқишмоқда, спорт билан шуғулланишмоқда. Эътибор қилинг: Эски шаҳар яқинидаги янги шаҳар — «Ешлик» шаҳарчаси. Бунда рамзий маъно бор. Икки миң йиллик илдиздан яна новддан кўкармоқда, қадимий шаҳар янги, навқирон ҳаётини яшамокда. «Ешлик» шаҳарчасида эртанги келажак улғаймоқда — ҳеч кимдан кам бўлмаслиги керак бўлган авлод!

ВА МАСЪУЛИЯТИ

ободончилик ва маъмурчилик ишлари хусусида

ИШ ЎРНИ КЎПАЙМОҚДА

Собир Раҳимов тумани ҳудудида 12 та йирик корхона жойлашган. Ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 114,1 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 101,1 фоизга кўпайган. Хўш, бу йилги ҳолат қанақа бўлмоқда?

«Байтекс тижорат» — хориж корхонаси ҳисобланади. Унда 1,5 минг нафар ёш меҳнат қилади. Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ушбу корхонада жорий йил январь-май ойлари орасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 100,4%ни ташкил қилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 226,7%га ошган.

«Эътиқод» хусусий корхонаси мебель ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 350 фоизга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса 550 фоизга ўсган. Ҳозирнинг ўзида даромад 169,9 миллион сўмни ташкил қилмоқда. «Эътиқод» мебель маҳсулотлари нафақат маҳаллий бозорда, балки хориж бозорларида ҳам харидорлар ишончини қозонапти.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида иш ўринлари қисқариб бораётган, янги қурилиш лойиҳалари тўхтаб қолган бир шароитда мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда, саноат корхоналари қуввати ошиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Буни Собир Раҳимов тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хастимом номи билан машҳур Ҳазрати Имом мажмуида кирувчи мадраса, масжид ва макбаралар узоқ йиллар қаровсиз қолиб кетди. Мажмуа таркибидеги қадимжолар эса тартибсиз, пана-пасткам ҳовлилар билан бир-бириндан ажралиб қолган эди. Халқларнинг маънавий-тарихий илдишларини қирқишга қаратилган Шўро сиёсати оқибатида мажмуа таркибига кирувчи Чилеа тарихи ўрнида кинотеатр қуриди, Кафол Шоший макбараси олди молбо-

ноябрь ойида иззат ва эътиборга лойиқ ушбу масканда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланди.

— Биз бошлаган иш ўта нозик ва масъулиятли, етти ўлчаб бир кесини талаб этади, — деган эди Президентимиз 2007 йил январь ойида Ҳастимом мажмуи лойиҳаси муҳокамасида.

— Аввало, бундай мўътабар жойларга ҳар қайси одам Аллоҳни ёд этиб, унга ибодат қилиши, покланиши ниятида келади. Ота-бобо-

собишлигимиз тимсолидир. Мажмуа ҳеч қандай кам эмаслигимиз ва ҳеч қачон кам бўлмаслигимизга яна бир далolat, халқимизнинг енгилмас, маънавий куч-қудрати рами ҳисобланади. Кўркамлашган ва замонавий қиёфа билан бойинган бу буюк ва муқаддас қадимжолар Мустақиллик бизга нималар бераётганлиги ҳақидаги солнома ҳамдир.

— Ўтган асрнинг ўрталарида шу кўчаларни чагиртиб улғайганмиз, — дейди туманда истиқомат қилувчи Олий Мажлис

ЭСКИ ШАҲАРДАГИ ҚУТЛУГ ҚАДАМЖО

унинг бугунги қиёфаси ва моҳияти ҳақида

зорга айланганди. Кайковус сайидан сув олган ариқлар қуриди, Махв ота ҳовуси қўрилиб қолди.

Мустабид тузум замонидеги эски шаҳарнинг ушбу қисмидаги аҳоли хонадонларига сув, газ ёки канализация олиб келиш у ёқда турсин, лоқал ёзда чанг, қишда лойга ботиб ётадиган кўчаларга асфальт ётқизиш ҳам ўйлаб кўрилмади.

Мажмуага дастлабки эътибор 1989 йилдан бошланди. Ислоҳ дунёсидеги энг қадимий Курьон нусхаси ҳисобланмиш Усмон Мухсафи Тошкент шаҳридаги ёдгорликлар музейидан Ўзбекистоннинг янги раҳбари Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Бароқхон мадрасасида жойлашган мусулмонлар идорасига тақдим этилди. Шундан бошлаб ушбу муқаддас китоб Мўйи Муборак мадрасасида сақланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Мустақиллиги кўлга киритгач, Эски шаҳардаги кўплаб кўчалар қатори Ҳастимом мажмуи-га яқин Заркайнар, Корасарой ва Сағбон кўчалари ҳам кенгайтирилди, йўллар четлари кўкчаларга шайланганди. Атрофдаги хонадонларга канализация борди, газ ўтказилди. Форобий шаҳардаги йирик кўчалар қаторига кирди. Абдулла Қодирий номли истироҳат боғи шу ҳудудда ашайди-дан аҳоли учун ҳам хордиқ, ҳам тарбия масканига айланди. Миллий либослар галерейси эски шаҳарга замонавий кўркамлик берди.

Мамлакатимиз Президентси Эски шаҳарни бир неча бор қадам-қадам кезиб, Ҳастимом мажмуи халқимизнинг қутлуг зиёрат масканларидан бирига айлантириш лозимлиги ҳақида хулосага келди. «Бу қадимий даҳага хос тарихий-маънавий мухитни сақлаб қолиш мақсадида ён-атрофда жойлашган меъморий обидаларни таъмирлаш, йўллар четида, бекатларда пала-партиш қуриб ташланган кўримсиз иморатларни тартибга келтириш, ҳудуднинг умумий ҳолатини тубдан ўзгартириш масаласи ҳам диққатимиз марказида турибди» деган эди Юртбошимиз Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида (2005 йил, апрель).

Шундай қилиб 2006 йил

ларимиздан мерос бўлиши эътиқод-эҳтиёжини кишиларимиз эмин-эркин адо этиши лозим. Халқимизнинг асрий эзгу тилақларини рўёбга чиқариш ҳар биримиз учун қутлуг ва муқаддас ҳисобланади ва бундай шарафли ишни амалга ошириш неча асрда бир авлодга насиб этади!

Ростдан бу шараф бугунги кун меъморларига насиб қилди. Мажмуага кирувчи Бароқхон (XVI аср), Мўйи Муборак мадрасаси (1856), Тиллашайх (1857), Номозгоҳ масжиди, Абу бақр Кафол Шоший макбараси (XVI аср) ҳамда меъморий мажмуа олдидан оқиб ўтувчи қадимий Кайковус ариғи таъмирланди. Мажмуани яхлит бир ансамблга айлантириш мақсадида эски, пасткам уйлар олиб ташланди. Бугунги кун меъморчилигининг яққол намунаси сифатида Мусулмонлар идораси (2007 йил), «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини Маркази (2007 йил), Имом Бухорий номли Тошкент Ислоҳ институтини ҳамда Урта Осиёда энг йирик ҳисобланмиш муаззам Ҳазрати Имом масжиди (2007 йил) қад ростида ва қутлуг зиёратгоҳ мазмунини бойитди.

Мажмуа кўкчаларга анвойи гуллар экилди, ўриндиқлар ўрнатилди. Барча йўл ва йўлаклар, саҳн ва супалар қадимий анъана услубида тош ва гишлар билан зийнатланди. Бир сўз билан айтганда, 9,5 гектар майдонни эгаллаган мажмуада Тошкент меъморчилик ва мусулмончилик мактабининг бетақдор анъана ва ютуқлари тўла акс этди. Мажмуа нафақат тарихий-диний қадимжолга, қолаверса, маърифий-маънавий масканга ҳам айланди. Бугун бу ердан зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Дунёнинг турли бурҷакларидан юртимизга келатган сайёҳларнинг харитасидан ушбу маскан жой олди, мусулмон оламнинг муқаддас қадимжолари рўйхатига киритилди. У бугунги куннинг улуг ишларидан бири сифатида тарих саҳифасига муҳрланди.

Эски шаҳарнинг юраги-га айланган Ҳазрати Имом мажмуи халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти, анъаналарга содиқлигимиз, имон-эътиқодда

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад. — Гоҳ машинада, гоҳ аравада, гоҳ пойи пидеа Чорсу бозорига, яна пича юриб Ҳадрога бориб келсак дунёни кезиб келган одамдек таассуротларимизни ҳаяжонланиб хикоя қилиб юрардик.

Мустақиллик шарофати билан биз улғайган кўчаларнинг чағи босилди. Сағбон ва Форобий туманининг эмас, бутун пойтахтнинг кўриғи, жўшқин ҳаёт бирон даража тўхтамайдиган серкатнов қон томирига айланди. Икки азим кўчага Қорасарой қўшилди...

Энди бу равон, текис ва хушманзара кўчалардан икки томонлама ҳаракат шиддати тинмайди. Туманимиз улкан мегаполис мақомига кириб бораётган пойтахтимиз манзаралари билан уйғунашиб кетди. Тошкентнинг яхлит бир умумий қиёфасининг узвий бўлағига айланди.

Бугун шаҳримизнинг, бутун мамлакатимизнинг каттаю кичиги бизнинг туманимизга қадам ранжида қилини ўзлари учун шараф деб билдилар. Узоқ-узоқ хоржий диёрлардан Ўзбекистонга ташриф буюрган ардоқли меҳмонлар, машҳур эшқлар давлат арбоблари Собир Раҳимов туманини, жумладан, Ҳастимом мажмуасини зиёрат қилмасалар, ушун илми-маърифат марказига айланган «Ешлик» шаҳарчаси билан танишмасалар, кўча Шарк «нафаси»нинг тимсоли бўлган Чорсу бозоридан баҳра олмасалар Тошкентимиз ҳақидаги таассуротлари кемтик бўлиб қолади.

Лайлак тинч, осойишта жойга ин қуради, бола очади, кўпаяди. Халқимиз уни хотиржамлик ва барака рамзи сифатида билади. Унга зиён бермайди, тинчлигига ҳалақат қилмайди. У эртақларимизга эзгулик тимсоли сифатида сингиб кетган.

Ҳазрати Имом мажмуи олдиде оқ лайлаклар юрибди — хотиржам, бамайлихотир. Баракали ва осуда, халқи меҳрибон ва осуда, халқи меҳрибон жойларни маскан қилади лайлаклар. Лайлак инган жойда кут-барака, тинчлик-хотиржамлик, ваъмурчилик ва фаровонлик бўлади!

Акбар ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.




«Гурҷарик» маҳалла фуқаролар йиғини Маркази



«Эътиқод» мебеллари хорижда ҳам харидорғир



28-сонли умумий ўрта таълим мактаби



Себзор маҳалласи



Миллий банкнинг Тошкент вилояти филиали




Ўзбекистон Мусулмонлари идораси



«Байтекс»да иш қизгин



Замонавий спорт майдони



ДАВЛАТ ТҮНТАРИШИ ХАВФИ олди олинди

Гондурас президенти Мануэл Селай мамлакатда давлат тўнтаришига уриниш бартараф этилгани ва бунинг олдини олишда кўмак бергани учун жаҳон ҳамжамиятига миннатдорчилик билдирди.

Гап шундаки, Марказий Американинг унчалик катта бўлмаган бу давлатида сиёсий инқироз президентнинг мамлакат Конституциясига ўзгартишлар киритиш юзасидан яқшанбада умумхалқ референдуми ўтказиш тўғрисидаги қароридан сўнг авж олган эди.

Конституцияга киритилиши кўзда тутилган ўзгартишларда давлат раҳбарининг лавозимга қайта сайланиши назарда тутилган. Амалдаги Конституцияга кўра эса Гондурасда президент 4 йиллик муддатга сайланади холос.

Муҳолифат Селайни ҳокимиятни но-

конуний эгаллашга уринишда айбаламоқда.

Қарама-қаршиликлар ўтган пайшанбада энг юқори чўққига чиқди. Яъни президент олий ҳарбий раҳбарларни яқшанбада бўладиган референдумда халқ осойишталигини сақлашдан бош тортгани учун эгаллаб турган лавозимдан бўшатган. Олий суд эса уларни



МАЙКЛ ЖЕКСОНГА НИСБАТАН қотиллик содир этилмаган

Таниқли поп юлдузи Майкл Жексоннинг ашаддий шинавандалари чўқур қайғуда. Майкл 50 ёшида, Лос-Анжелес вақтида ҳаётини ўзининг жасади тиббий экспертиза томонидан ёриб кўрилди ва унинг ўлими сабабларига аниқлик киритилди. У ҳеч қандай зўрлик ёки қотиллик қурбони бўлмаган.

Бу аниқ. Аммо ўлимнинг якуний сабаблари 4 — 6 haftaдан кейин, яъни токсикология та-

лиллари натижаларидан сўнг аниқ бўлади. Бу ҳақда тергов-суриштирув гуруҳи вакили матбуот анжуманида журналистларга маълум қилди, дейилди «ВВС» хабариди.

Тахминларга кўра, поп юлдузи саҳна чиқаришлари тўғрисидаги қўриқчилар тўғрисидаги қўриқчилар олдин оғрик қолдирувчи дори-ларни кўп дозада қабул қилган. Бу эса унинг юраги тўхташига олиб келган бўлиши мумкин, дейишмоқда экспертлар.

У аввалги концерти-

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги бўш (вакант) кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи ва ўқитувчи (ассистент) лавозимларига битим асосида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Математик анализ ва алгебра, Ботаника, Физиология, Тиббиёт, Психология, Иجتимой педагогика-психология ва мактабгача таълим, Бошланғич таълим, Жаҳон тарихи ва археология, Жисмоний маданият, Спорт асослари, Факультетлараро жисмоний тарбия, Ўзбек тилшунослиги, Рус тили ва адабиёти, Немис тили ва адабиёти, Инглиз тили, Умумий техника ва меҳнат, Касбий таълим, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, Астрономия ва оптика, Иқтисодиёт, Фалсафа, География, Кимё, Жисмоний маданият, Факультетлараро жисмоний тарбия кафедралари катта ўқитувчилиги-га;

Жаҳон тарихи ва археология, Инглиз тили ва адабиёти, Педагогика, Касбий таълим, Умумий математика, Иқтисодиёт, Физика ва уни ўқитиш методикаси, Астрономия ва оптика, Зоология, Фалсафа, Физиология, Ботаника, География, Кимё, Жисмоний маданият кафедралари доцентлиги-га;

Жаҳон тарихи ва археология, Ўзбек адабиёти, Рус тили ва адабиёти, Инглиз тили ва адабиёти, Немис тили ва адабиёти, Бошланғич таълим, Мусиқа, Иجتимой педагогика-психология ва мактабгача таълим, Психология, Касбий таълим, Умумтехника фанлари ва меҳнат, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, Астрономия ва оптика, Фалсафа, Физиология, Ботаника, География, Кимё, Жисмоний маданият, Факультетлараро жисмоний тарбия, Тиббиёт кафедралари ўқитувчилиги-га.

психология ва мактабгача таълим, Психология, Касбий таълим, Умумтехника фанлари ва меҳнат, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, Астрономия ва оптика, Иқтисодиёт, Фалсафа, География, Кимё, Жисмоний маданият, Факультетлараро жисмоний тарбия кафедралари катта ўқитувчилиги-га;

Жаҳон тарихи ва археология, Инглиз тили ва адабиёти, Педагогика, Касбий таълим, Умумий математика, Иқтисодиёт, Физика ва уни ўқитиш методикаси, Астрономия ва оптика, Зоология, Фалсафа, Физиология, Ботаника, География, Кимё, Жисмоний маданият, Факультетлараро жисмоний тарбия, Тиббиёт кафедралари ўқитувчилиги-га.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:


1. Ректор номига ариза.
 2. Шахсий варақа.
 3. Олий маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги дипломлар нусхалари.
 4. Илмий ишлар рўйхати.
 5. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.
- Ҳужжатлар эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: 730003. Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй.
Телефон: (8.375) 225-34-13, факс: 225-57-01. e-mail: kardu@mail.ru

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

СКОЛАРИ ТОШКЕНТДА

Бразилиялик таниқли мутахассис Луис Фелипе Сколарининг Тошкентнинг «Бунёдкор» футбол клуби билан 1,5 йиллик шартнома имзолаганини хабар қилдик. Куня кеча у ёрдамчи мураббий Флавио Да Кунья Тейсейра, жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий Дарлан Жозе Шнейдер ва дарвозаболлар мураббийи Антонио Карлос Прачиделли ҳамроҳлигида пойтахтимизга етиб келди.



диган барча вазибаларни тўлиқ бажаришга бор кучини сарфлайман. Бу эса жамоа қатнашадиган барча турнирларда галаба қозонишдан иборат. Мен ва ҳамроҳларим ўзбекистон замининда турганимиздан хурсандимиз. Янги йил бошлаётганимизда эса юқори кайфият энг зарур омиллардан бири.

Таниқли мутахассис Луис Фелипе Сколари 1 июль кун «Бунёдкор» футбол клубининг янги бош мураббийи сифатида кенг жамоатчиликка таништирилди. Шунингдек, шу кун соат 12.00 да пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида бразилиялик мураббий ишторикада матбуот анжумани ўтказилиши режалаштирилган.

Маълумки, мазкур тўрт мутахассис ўтган мавсумда «Челси» (Англия) футбол клубида ишлашган ва Лондон жамоасини шу йилнинг 9 февралда бирга тарқ этишган эди. Анъанага кўра, Тошкент халқаро аэропортида меҳмонларни «қалдирғочлар»нинг ҳаммаша фаол фан-клуби аъзолари тантанали тарзда кутиб олди. Фурсатдан фойдаланиб оммавий ахборот воситалари ходимлари Луис Фелипе Сколари билан суҳбатлашди.

футболчиларнинг даражаси яхши. Аммо яна бир неча жиҳатлар устида ишлаш лозим. Футболчиларни умумий бир мақсад — фақат галабалар сари жипслаштири олиш керак.



РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

Кеча Куала-Лумпур (Малайзия)даги Осиё футбол конфедерацияси қароргоҳида Осиё чемпионлар лигаси ва ОФК кубогининг 1/4 финал баҳсларида кураш ташланди. Унга кўра, ОФК кубогини мусобақасида илк маротаба иштирок этётган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари навбатдаги босқичда Гонконгнинг «Саут Чайна» жамоасига қарши тўп сурадиган бўдилар.

Хамюртларимиз уй-сарфар тизими асосида ўтадиган ушбу босқичнинг дастлабки ўйинини Фарғонада ўтказишди. Бу ўйин 15 сентябрь кун бўлиб ўтади. Жавоб учрашуви эса 30 сентябрда белгиланган.

бошқа ўйинларда куйидаги жамоалар ўзаро куч сынашадилар: «Ал-Карима» (Сурия) — «Ал-Араби» (Кувайт), «Кувайт» СК (Кувайт) — «Арбил» (Ироқ), «Чонбури» (Таиланд) — «Бин Дунг» (Вьетнам).

шаётган Тошкентнинг «Бунёдкор» ҳамда «Пахтакор» жамоаларининг ҳам чорак финал босқичидаги рақиблари маълум бўлди. Куръага кўра, Осиё чемпионлар лигасининг навбатдаги босқич баҳслари 23-30 сентябрь кунлари ўтказилади. Унда «Бунёдкор» футболчилари Жанубий Кореянинг «Похан Стилерс» жамоасига қарши майдонга чиқиса, пахтакорчилар «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) футболчилари билан баҳс юритишди.

Оромгоҳларда

Қашқадарё вилоят ҳокими ва вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг қўшма қарорига мувофиқ Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йўлида болалар оромгоҳларида меҳнаткашларнинг 25580 нафар фарзандини дам олириши ва соғломлаштириши режалаштирилган. Июнь ойининг биринчи ярмида вилоятда соғломлаштириши мавсумининг дастлабки босқичи якунланди. Сифатли таъмирланган 19 та оромгоҳга 5297 нафар бола қабул қилинди.

Соғломлаштириши мавсумига тайёргарлик, уни ташкилий равишда ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Болаларни соғломлаштириши ва дам олириши бўйича Республика доимий комиссиясининг шу йил 23 апрелдаги йилгилиши қарори асосида ташкил этилаётган.

гоҳларга олиб борувчи йўллар, тоғ ва дарё ёқасида жойлашган оромгоҳларнинг ҳолати ўрганиб чиқилди.

садида вилоят ҳокимининг шу йил 7 майдаги йилгилиши қарори билан барча оромгоҳларга гўш, сўт, туҳум ва бошқа маҳсулотлар етиштириб берувчи савдо ва таъминоти ташкилотлар бириктирилди.

Дам олувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш, айниқса, санаторий типидagi оромгоҳларда дам олиш билан бир қаторда даволаш-профилактика ишларини ҳам ташкил этишга жиддий эътибор қаратиляпти. Вилоят «Дори-дармон» очик хисадорлик жамияти томонидан оромгоҳлар ҳар 4 сменда ҳам зарур турдаги дори-дармонлар билан тўлиқ таъминланади.

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ

КЎЙИДАГИ ИНШОТИНИ ТЎЛИҚ ҚЎРИБ БИТКАЗИШ ШАРТИ БИЛАН ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚСсиз (минг сўм)	Бошланғич нархи 20% ҚҚС билан (минг сўм)	Қурилиш муддати
1.	Гулистон шаҳар «Никоҳ уйи» биносини капитал таъмирлаш	82 621,568	99 145,882	120 кун

Буюртмачи манзили: — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 24.
Тел: 8(3672) 25-30-54, 25-09-69.

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамини талабдор савдолари предмети қийматининг камидан 20 фоиз миқдоридagi бўш айланма маблағи бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағини беришга банк қарорномасига, ишлар

(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танловда қатнашаётган маҳаллий пудратчилар томонидан импорт товарлари етказиб бериш, импортёрлар учун қўшимча қиймат солиғидан озод қилинади ва уларнинг тақлифлари импорт товарлари кўрсатиб ўтилади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома би-

БОЛАЛИКНИНГ ҚУВНОҚ ВА ШОДОН ДАМЛАРИ

ташкилотлар билан қўшма тадбирлари ишлаб чиқилди.



ба уюшма ташкилотларининг тадбирлари ишлаб чиқилди.

тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида мавсум давомида тезкор штаб фаолият кўрсатаяпти.

Оромгоҳлар жойлашган ҳудудларда эса тезкор ишчи гуруҳлари тузилиб, уларнинг ахборотлари мунтазам равишда муҳокама этилиб, камчиликлар бартараф этиб бориляпти.

Китоб жавонингизга «МЕН БАХТИЁР СОЗИМ БИЛАН»

Бахтиёр Холхўжаевнинг мумтоз оҳанглар йўлида ижро этган қўшиқлари муҳлислари қалбидан жой олган. Айниқса, у ҳазрат Яссавий ҳикматларини, Навоийнинг ғазалларини қуйлаганда қўшиқ шинавандлари сел бўлиб тинглашди. Унинг ижросидаги мана шундай қўшиқлар матни яқинда босмадан чиққан «Мен бахтиёр созим билан» китобидан жой олган.

Чиндан ҳам у сози билан, дилторта қўшиқлари билан санъат йўлида бахтини топди. Қарийб қирқ йилдирки, эл-юрт хизматида камарбаста. Унинг санъат соҳасидаги хизматлари юқори баҳолалиб, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонига муносиб кўрилди.

«Санъат» нашриётида нашрга тайёргарлик, чоп этилган мазкур китобга қўшиқчининг ҳаёти ва ижодига боғлиқ қўлиб қизилма маълумотлар, суратлар, устозларнинг ўғитлари, санъат муҳлисларининг фикр-мулоҳазалари киритилган.

(Ўз муҳбиримиз)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси адлия вазири Равшан Мухитдиновга волида муҳтарамаси

МУБОРАК аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«Инсон ва қонун» газетаси тахририяти жамоаси Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Равшан Мухитдиновга волида муҳтарамаси

МУБОРАК аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Соғломлаштириши мавсумини ташкилий равишда намунали ўтказиш оромгоҳлар иштини мувофиқлаштириш, кундалик ишларни назорат қилиб бориш, мавсум давомида вужудга келадиган муаммоларни

Музаффар ТУРОПОВ, «Ўзбекистон овози» газетасининг Қашқадарё вилоятидаги жамоатчи муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси адлия вазири Равшан Мухитдиновга волида муҳтарамаси

МУБОРАК аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент молия институтини жамоаси институтнинг умумқиссий назария ва иқтисодий педагогика кафедраси профессори

Абдуллин ИСЛОМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Ватан манзаралари

Тақдир тақозоси билан бир қариндошимиз Тюменда, тўғрироғи, Тюмень вилоятининг Надим шаҳрида яшаб қолган. Бола-чақа орттирган. Бу йил таътилга келди. Ойдин тунда айвонда кўплашиб, кўкдаги юлдузлар табассумига кўз тикиб ўтирардик.



РАЙХОН ИСЛИ ХОВЛИ

— Тога, Россиялар қалай? — деб сўраб қолдим.

Тоғамнинг бу «кашфиёти»дан завқланиб кетдим. Тунги ховлимизга назар солдим. Бувам эккан ошрайхон, садарайхон, жамбилрайхонлар ой нурига чўмилиб ётибди. Бирдан майин шабада эсди, райхонларнинг бетакрор ифорини олиб қочиб, димоғларимизни қитиқлаб юборди. Кўксимизни тўлдириб, райхон бўйини сиймидик. Бу — ватанимизнинг ифори эди.

КЎЗТУМОР

Абдукарим бува муқаддас ҳаж амалини адо этиб қайтган, бир гапни кўп такрорлайдиган бўлиб қолди: «Маккани зиёрат этдим, Мадина, Жиддада ҳам бўлдим. У ердаги одамлар билан кўп суҳбатлашдим. Уларга қишлоқларимиз ариқларида сув лиммо-лим оқиши, ерга чўп қада-санг, даррақ кўкариши, ҳар бир ховлидаги иш-комларда узум бошлари қандилдек осилиб, кўшда биллурдек товланиб туради, десам ишонч қирамайди. «Сиз жаннатни гапиряйсизми?» дейишди. Опоқ соқоли хурмати-ҳаққи, шунга амин бўлдимки, юртимиз ҳақиқатан ҳам беҳишт экан. Илоҳим, унинг

хусн-жамолига кўз термасин!»

— Юртингиз жаннатнинг ўзи экан. Унинг ҳамма кишлоқлари, ҳар бир гўшасига, мана шундай кўзумноқу кўзтуморларни осиб қўйсангиз арзир экан. Токи, бу юртга кўз термасин...»

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatches: Erkin XOLBOBOEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNJ'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

ISSN 2010-7633

O'zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 23.50

1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti 233-10-13

Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55

Jamoaatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56

Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70

Buxoroda — 223-06-02

Gulistonda — 25-46-45

Jizzaxda — 227-48-35

Navoiyda — 223-83-73

Namanganda — 226-43-43

Nukusda — 222-77-21

Samarqandda — 35-02-55

Urganchda — 517-30-58

Farg'onada — 224-18-78

Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatches: Erkin XOLBOBOEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNJ'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

ISSN 2010-7633

O'zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 23.50

1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda